

«ТАСДИКЛАЙМАН»
1-сон Касб-Хунар мактаби
Харид комиссиясининг раиси

Н. Душамов
«02» _____ 2022 йил

**БУХОРО ВИЛОЯТИ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
МУВОФИКЛАШТИРИШ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ
1-СОН КАСБ-ХУНАР МАКТАБИ УСТАХОНА БИНОСИНИ ЖОРИЙ
ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН**

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Ғиждувон туман -2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1.Танлов предмети: 1-сон Касб-Хунар Мактаби Устахона биносини жорий таъмирлаш ишлари.
- 1.2.Танловнинг юкори қиймати– 579 576 361 (беш юз етмиш тўққиз миллион беш юз етмиш олти минг уч юз олтимиш бир) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3.Махсулот бўйича Танлов ҳужжатларида илова қилинган.
Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4.Ишларни бажариш муддати: Голиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган тижорат таклифига асосан белгиланган график бўйича.
- 1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. 1-сон Касб-Хунар Мактаби (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили : Гиждувон туман Ю.Ҳамадоний кўчаси 168-уй
- 2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3.Танлов 1-сон Касб-Хунар Мактаби “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1.Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:
танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
 - 684-Қонун 13-моддасига риоя этилиши шарт
 - Моддий-техника базаси
 - Бахтеиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганилиги
 - Техника хафсизлиги коидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йуриқномалари
 - Танлов объектига ўхшаш объектлардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
 - Солиқ ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлиги йуклиги тугрисида
 - Катнашувчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот булиши, мижоз билан суд ёки хакамлик муҳокамаси ҳолатида булмаганлиги тугрисидаги қафолат хати.
 - Иштирокчи қорхонанинг давлат руйхатидан ўтган даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувоҳнома, Низоми (устав), ва умумий маълумотлар
 - Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинги
 - Иштирокчи қорхонанинг омборида махсулот мавжудлиги
 - Қорхонанинг мавжуд транспорт воситалари хақида маълумот
 - Ишларни бажариш муддати Қафолат хати
 - Нохалол иштирокчилар реестрида мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот
- 3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4.Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
кайта ташкил этилиш(ажралиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қилишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароғини муҳраб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3.Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади).

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси, тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирочи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7.БОШҚА ШАРТЛАР

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилаган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.